
Куч — адолатда

2010 йил,
8 апрель,
пайшанба
№ 14 (268)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

БУЮК ТАРИХИМИЗНИНГ ЁРҚИН КЎЗГУСИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида тарихимизни теран тадқиқ этиш, улуғ сиймоларнинг ҳаёти ва фаолиятини холисона ўрганиш ва халқимизга етказишга қаратилаётган эътибор юксак самаралар бераётир.



Юртимизда халқаро ҳамжамият иштирокида қадимий шаҳарларимизнинг юбилей тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланди. Ўтмишимизни ўрганишга оид илмий тадқиқотлар кўлами тобора кенгаяётир. Бу жараёнда Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг инсоният тарихида тутган ўрни, темурийлар даври тарихининг муҳим жиҳатларини тадқиқ этиш ҳам доимий эътиборда.

Олимларимизнинг ана шундай саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Ибн Арабшоҳнинг «Амир Темур тарихи» каби ноёб асарлари чуқур тадқиқ этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди. «Амир Темур жаҳон тарихида» китоби ўзбек, рус, француз ва инглиз тилларида нашр этилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган тарихга оид асарлар ҳақидаги маълумотлар жамланган «Шарқ қўлёзмалари каталоги» ҳам бу борада ўзига хос қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил этилиши тарихимизнинг ушбу муҳим даврларини янада кенгроқ ўрганиш, археологик қазишмалар жараёнида топилган ашёларни чуқур тадқиқ этиш, халқимизнинг тарихий билимларини янада ошириш ва дунёқарашини бойитишда муҳим омил бўлаётир. Ҳозирги кунда ушбу музейда уч мингдан зиёд экспонатлар сақланмоқда.

Темурийлар тарихи музейи илмий жамоатчилиги мамлакатимиз илмий тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртлари олимлари билан ҳамкорликда Амир Темур ва темурийлар тарихини чуқур ўрганиш, бу борада юртимизда ва хорижда олиб борилаётган илмий тадқиқотларни кенг оммага етказиш мақсадида анъанавий тарзда илмий-амалий анжуманлар ташкил этмоқда. Ана шундай тадбирларда муҳокама этилган илмий мақолалар тўплам сифатида чоп этилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Бундай тадбирлар иштирокчиларининг сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, анжуманларда хорижлик мутахассислар ҳам иштирок этаётгани Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш янада юқори босқичга кўтарилаётганининг исботидир.

— Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Амир Темур ва темурийлар даврига оид кўплаб манбалар сақланмоқда, — **дейди мазкур институтнинг етакчи илмий ходими, тарих фанлари номзоди Омонулла Бўриев.** — Қадим тарихимизни асл ҳолича ўрганиш ва ҳаққоний ёритишга берилаётган эътибор ҳамда халқимизнинг ўзлигини англашига бўлган интилишининг кучайиши туфайли ўтмишимизни, шу жумладан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ҳам аниқ ва мукаммал тадқиқ этишга киришилди. Бу борада институтимизда сақланаётган манбаларнинг олимларимиз томонидан ўрганилиши баробарида хорижий мамлакатлар қўлёзмалар хазинасидаги мавжуд кўплаб асарлар ҳам излаб топилиши ва халқимизга етказилиши фанимиз эришаётган ютуқлар сирасига киради.

Амир Темурнинг бошқа давлатлар ҳукмдорлари билан ёзишмалари нафақат мамлакатимиз тарихчилари ва жамоатчилигимиз, балки жаҳон аҳлининг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Шу боис ушбу манбаларни асл ҳолича ўрганиш ва оммага етказиш ҳам тадқиқотчиларимизнинг доимий эътиборида. Манбашунос олим Санжар Ғуломовнинг бу борадаги изланишлари маҳсули сифатида «Амир Темур ёзишмалари» тўплами нашрга тайёрланмоқда. Унда Соҳибқирон бобомизнинг турли давлатлар ҳукмдорларига ёзган мактублари ва уларнинг Амир Темурга йўллаган хатлари, ушбу манбаларнинг тарихи ва воқеаларнинг изоҳларига кенг ўрин ажратилган.

Олим ва мутахассисларимиз Амир Темур ҳаёти ҳамда фаолияти акс этган асарлар билан бир қаторда темурийлар даврига оид қўлёзмаларни тадқиқ этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда)

Ушбу сонда:

Шартнома муносабатлари самараси — 2

Тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи — 3

Болалар манфаатлари муҳофазаси — 3

Islohot va samara

Бош қомусимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Бу меъёрнинг амалда ўз ифодасини топишида суд ҳокимиятининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки мамлакатимиз судлов тизимининг бош мақсади — инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу боис ҳам мазкур соҳада истиқлол йилларида кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Судьяларни танлашнинг адолатли тизими

Суд ишларининг самарадорлиги, албатта, судьялар фаолиятига чамбарчас боғлиқ. Шу боис ҳам бу ўта масъулиятли вазифада ишловчи кадрларни танлаш ва тайинлаш масаласи ҳам катта аҳамиятга эга.

1999 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилгани суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришга кенг йўл очди. **«Судьяларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш комиссияси тўғрисида»**ги Низом судьялик лавозимларига тақдим этилган шахсларга нисбатан ҳамда судьялик ваколатини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисида таклиф киритиш учун имконият яратди.

Мазкур комиссиянинг ташкил этилиши судларни малакали мутахассислар билан тўлдириш имконини берди.

(Давоми учинчи бетда)

Faoliyat

Етук ҳуқуқшунос кадрлар

ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим таянчидир

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама камол топтириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги кунда жамиятимизнинг бош мақсадидир.



Президентимизнинг **«Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарорида айни йўналишда қилиниши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилгани, жумладан, ундa ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш, шунингдек, таълим даргоҳларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилашга эътибор қаратилгани соҳадаги ишлар кўламини янги босқичга кўтарди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизими тубдан ислоҳ этилди. Эътиборлиси, Ўзбекистон таълим тизимининг мазмуни ва салоҳияти, савияси ҳамда таълим муассасаларининг даражаси бўйича қисқа муддатларда дунёдаги энг илғор давлатлар қаторига чиқиб олди.

(Давоми иккинчи бетда)

2010-yil — Barkamol avlod yili

Мазмунли ҳаёт, бахт ва қувонч асоси

Инсоннинг умр мазмуни, қувончу шодлиги, энг катта бойлиги — саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга мамлакатимизда устувор аҳамият берилади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида бу борада босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, соғлом авлодни вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 1 июлда қабул қилинган **«2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»**ги қарорида соғлом болалар туғилиши учун зарур шарт-шароит яратиш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бирламчи бўғин муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу борада Қашқадарё вилоятида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.



(Давоми тўртинчи бетда)

Huquq va burch

Юксак ҳуқуқий маданият

жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади

Фуқароларнинг амалдаги қонунчилик талабларига тўлиқ риоя қилиши, зиммасидаги ҳуқуқ ва бурчини адо этиши ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг устувор омилларидан бири бўлиб, у жамиятдаги сиёсий ва ҳуқуқий тизимларнинг самарали фаолият юритишининг зарур шартидир. Шу боис ҳам замонавий жамият ва давлат қурилиши тамойиллари фуқароларнинг ҳуқуқий савияси ва маданиятини ошириб боришни тақозо этади.

Жамиятда амал қилувчи қонун талабларига нисбатан масъулиятни ҳис этиш — ҳар бир шахснинг ҳуқуқий маданияти қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Ҳуқуқий маданият — умуминсоний маданиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлгани боис, унинг ривожланиш даражаси шахснинг ҳуқуқий онги қандай эканлиги билан белгиланади.

Амалдаги ҳуқуқий меъёрлар замирида ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи умуминсоний қадриятлар, урф-одат ва анъаналар мужассам.

Жамият тараққиёти фуқароларнинг нафақат ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб етиши ва ҳимоя қила олиши, балки зиммасидаги мажбуриятларини бажаришига ҳам боғлиқдир. Ҳуқуқий меъёрлар жамият аъзолари учун ўзига хос мезон. Шу боис ушбу мезонга зид ҳар қандай хатти-ҳаракат пировард натижада қонунбузарликка сабаб бўлади. Қонунга бўйсунмаслик эса, жазони муқаррар қилиб қўяди.


(Давоми иккинчи бетда)

Saboq

Мулкий суғурта

аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилади

Суғурта — турли соҳаларда содир бўладиган табиий офатлар, фавқулодда ҳодиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни тўлиқ ёки қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини таъминлашдир. Суғурта мажбурияти икки томонлама характерга эга.



Фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат фаолияти, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлик мажбуриятлари, мулкий ва номулкий ҳуқуқ ёки манфаатлари суғурта объектлари ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 916-моддасига кўра, ғайриқонуний манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди.

Мулкий суғурта бўйича қуйидаги объектлар суғурталанади: муайян мол-мулк йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик хавфи-бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик хавфи, тадбиркорлик таваккалчилиги хавфи — тадбиркорнинг контрагентлари (шериклари) ўз мажбуриятини бузиши оқибатида кутилган даромадларни ололмаслик хавфи ва бошқалар.

Мулкий суғурта шартномасида суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат, юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси) хусусияти, суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби ҳақида, агар шартномада суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати, шартноманинг амал қилиш муддати ҳақида келишувга эришилиши лозим.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Маълумки, иқтисодиётимизда қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Соҳада ишларни пухта режалаштириш, ўзаро манфаатли шартномалар тузиш унинг ривожига кенг йўл очади.

Юртимизда шартномавий муносабатларда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил олиб борилишини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Шартнома муносабатлари самараси

унга масъулият билан ёндашишга боғлиқ

Хусусан, Адлия вазирлиги турли хилдаги шартномаларни, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича контрактация шартномаларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаб, амалиётда қўллаш учун кенг оммага етказмоқда.

Хўжалик шартномаларини тузишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилганидан келиб чиққан ҳолда, вазирлик ходимлари ҳуқуқий ёрдам тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шу жумладан, қишлоқ ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномаларини тузиш жараёнларида бевосита иштирок этишяпти.

Улар 2009 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон харид қилиш бўйича 53 минг 58 та, давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш бўйича 41 минг 871 та контрактация шартномасини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишди.

Лекин шуни таъкидлаш лозимки, шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва жавобгарлиги белгиланган бўлса-да, ҳар доим ҳам мажбуриятлар шартномада белгиланганидай ижро қилинмаяпти. Жумладан, 2009 йил давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон харид қилиш бўйича шартнома тузган жами 53 минг 58 та хўжаликдан 2 минг 917 таси давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятларни бажармаган.

Адлия ва прокуратура идораларининг шартномавий мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари юзасидан ҳамкорликда олиб борган тарғибот ишлари натижасида 1 минг 655 та шартнома мажбуриятларини бажармаган хўжалик юритувчи субъект томонидан дон корхоналарига 47 минг 242 тонна бошоқли дон топширилиб, етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланди. Шунингдек, 20 та хўжалик юритувчи субъектнинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечиш ҳақидаги мурожаатлари асосида улар билан тузилган 1 минг 508 гектар ер майдонини ижарага олиш шартномалари бекор қилинди.

Адлия ва прокуратура идоралари томонидан шартномавий мажбуриятларини бажармаган хўжалик юритувчи субъектларга 6 минг 711 та огоҳнома ва 106 та тақдимнома киритилди. Шунда ҳам етказилган зарарни ихтиёрий равишда қопламаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан хўжалик судларига жами 13 миллиард 405 миллион сўм кредит (аванс), етказилган зарар ва жарима суммаларини ундириш бўйича 5 минг 45 та даъво аризаси киритилди.

Хўжалик судлари томонидан 12 миллиард 171 миллион сўм кредит (аванс), зарар ва жарима суммаларини ундириш ҳақидаги 4 минг 824 та даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилди. Шунингдек, 300 миллион сўмлик 221 та даъво аризаси судда кўрилгунга қадар фермер хўжаликлари томонидан шартномадаги режа бажарилганлиги, моддий зарар тўланганлиги ва имтиёзли кредитлар қопланганлиги сабабли иш юритуви тугатилди.

Бундан ташқари адлия идоралари ходимлари республика бўйича 2010 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун бошоқли дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномасини тузиш жараёнида бевосита иштирок этиб, томонларга ҳуқуқий ёрдам беришмоқда.

Шу боис Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари нафақат давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш бўйича контрактация шартномаларининг қонуний тузилиши, балки уларнинг тўғри ижро қилинишини ҳам назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Рустам ТУРДИЕВ,
Адлия вазирлигининг масъул ходими

Ertaga — Sohibqiron Amir Temur tavallud topgan kun

Буюк тарихимизнинг ёрқин кўзгуси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Абдураззоқ Самарқандийнинг **«Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн», («Икки саодатли юлдузнинг чиқиш ва икки денгизнинг қўшилиш жойи»)** асари ана шундай манбалардан бири. Унда 1405-1470 йилларда темурийлар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, дипломатик алоқалар ва илм-фан, маданият, санъатга оид воқеалар тасвирланади.



Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг замондоши, моҳир тарихчи Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди тарих ихлосмандларининг эътиборини доимо ўзига жалб этиб келади. Чунки унинг асарлари темурийлар даври маданияти, санъати, илм-фани ва бунёдкорлик ишлари билан боғлиқ тасаввурларимизни бойитишда муҳим манба ҳисобланади. Шарқшунослик институти қўлёзмалари хазинасида тарихчининг ана шу йўналишдаги бир нечта асари сақланади. Манбашунос олима Дилором Юсупова уларни тадқиқ қилиш асосида «Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди» китобини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди.

Темур ва темурийлар даври тарихини асл ҳолича тадқиқ этиш археология фанининг ҳам муҳим йўналишларидандир. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган Шоҳрўхия қалъаси қолдиқларининг археологларимиз томонидан ўрганилиши ўша давр тарихига оид янги маълумотлар топиш имкониятини яратди.

Амир Темур қайта барпо этган бу қалъада мамлакатимиз олим ва мутахассислари томонидан ўтказилган қазишмалар натижасида кўплаб кулолчилик, мисгарлик, шишасозлик ашёлари топилди. Уларнинг орасида пўлат совут ва дубулға бўлаклари; айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу ҳарбий кийим парчалари темурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Хусусан, дубулға бўлакларининг таркибида кўплаб камёб металлар мавжудлиги аниқланди.

Шоҳрўхия ёдгорлигидан олинган маълумотлар Амир Темур ва темурийлар даврининг тўлиқ ўрганилмаган жиҳатларини очишга хизмат қилмоқда. Чунки ушбу топилмалар Амир Темур давлатининг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, мазкур қалъашаҳарни барпо этишда усталар қўллаган бунёдкорлик услублари тўғрисида янги маълумотлар беради. Ушбу экспозиция Темурийлар тарихи давлат музейида намойиш этилмоқда.

Айни вақтда шарқшунос, манбашунос ва музейшунос олимларимиз ҳамкорликда Темур ва темурийлар даври манбаларини ўрганиш борасида илмий изланишларни давом эттирмоқдалар. Бундай тадқиқотлар юртимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожидаги ўрнини жаҳон жамоатчилигига кенг намойиш этиш, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини асл ҳолича ўрганиш, улғайиб келаётган авлодни бой тарихимизга ҳурмат, миллий истиқлол ғояларига садоқат ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
журналист

Faoliyat

Етук ҳуқуқшунос кадрлар

ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим таянчидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланганидек, олий таълимнинг асосий мақсади — бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга қодир, рақобатбардош, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Айни шу мақсадда Тошкент Давлат юридик институтида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур олий ўқув юртида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш, уларнинг профессионал малакасини ошириш, кадрлар захирасини шакллантириш ва кадрлар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш изчил йўлга қўйилган. Ҳуқуқшунос кадрларнинг юксак билимга эга бўлиши ҳамда буларни амалиётда самарали қўллай олиши учун зарур бўлган барча имкониятлар ишга солиняпти. Бу борада институтда етарли илмий ва интеллектуал салоҳият шаклланган.

Ҳозирги кунда Тошкент Давлат юридик институтининг бакалавриат босқичида 2382 нафар, магистратура босқичида 254 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга 280 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар дарс бермоқда. Институтнинг 227 мингдан зиёд ўқув-услубий адабиёт жамғармасига эга бўлган ахборот-ресурс маркази талабалар хизматида.



Ўқув жараёни сифатини тубдан яхшилаш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, дарсларни ўтишда замонавий педагогик технологияларнинг турли интерактив усуллари, кодоскоп, кўчма проектор, мультимедиа, клиник таълим, психологик ва профессионал тренинг каби шакллари қўлланилмоқда. Шу билан бирга, ўқув жараёнида фойдаланиш учун иккита ўқув суд зали, криминалистик экспертиза лабораториялари ҳам ташкил этилган.


Назарияни амалиёт билан уйғунлаштириш мақсадида мутахассислик фанларини Олий Мажлис, Олий суд, Олий хўжалик суди ва прокуратура идораларида, суд-экспертиза марказларида ўқитиш йўлга қўйилган. Шунингдек, амалиётчи мутахассислар дарс жараёнларига жалб қилинмоқда.

Институт фаолиятининг асосий йўналишларидан бири замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тараққиёти ҳисобланади. Ахборот-коммуникация технологияларининг кейинги тараққиёти учун мўлжалланган замонавий ташкилий тузилмалар ва ахборот-техник базаларни тузиш мақсадида институт таркибида 2002 йили иккита замонавий компьютер хонасига эга бўлган «Ахборот технологиялари ва масофавий таълим» маркази ташкил этилди.

Яратилган имкониятлар натижасида институтда иқтидорли талабалар сафи кенгаймоқда. 1996 йилдан буён 8 нафар талаба Президент стипендияси, 29 нафар талаба Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиби бўлди.

Шу билан бирга талабалар турли спорт мусобақаларида ҳам қатнашмоқдалар. Ўтган йиллар давомида талабалар орасидан спортнинг бир қанча тури бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари, «Универсиада» мусобақалари ғолиблари етишиб чиқди. Масалан, Тўлқинбек Исмоилов спортнинг «Таэквандо» тури бўйича Осиё ва жаҳон чемпионатларида 1-ўринни эгаллаб, 2 та олтин медаль соҳиби бўлди.

Бугунги кунда институт Россия, Япония, Франция, Украина, Болгария, Литва каби мамлакатларнинг юриспруденция соҳасидаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўтган йиллар давомида институт томонидан юртимизда ва хорижий мамлакатларда 36 та халқаро симпозиум, конференция ва давра суҳбатлари ўтказилди. Чет



эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларнинг 104 нафар мутахассиси институтда маъруза ўқиди. Япониянинг Нагоя университети билан ҳамкорлик қилиш натижасида 2005 йил сентябрь ойидан эътиборан институт қошида «Япон тили ва ҳуқуқини ўрганиш маркази» фаолият кўрсата бошлади.

Шу билан бирга институтда профессор-ўқитувчилар, магистр ҳамда иқтидорли талабаларнинг дарс машғулотларидан ташқари вақтларда аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини омма орасида янада кенгроқ тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар тайёрланди ва чоп этилди. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчилари учун «Офтоб китобим менинг» номли безакли қўлланма нашр қилинди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4- синф ўқувчилари учун **«Менинг ҳуқуқларим»**, 5-9-синф ўқувчилари учун эса **«Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ, бурч ва масъулиятлари»** номли ўқув қўлланмалари тайёрланди. Ҳозирги кунда **«Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»**ги ва **«Муддатли ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги қонунларни аҳоли, шунингдек, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш бўйича махсус иш режалар асосида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.



Ўқув жараёнини янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминлаш, институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган илмий тадқиқотларни чоп эттиришда қулайлик яратиш мақсадида институт қошида Тезкор нашр маркази ташкил этилди. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув ва илмий адабиётларнинг аксарияти ана шу марказ томонидан нашр этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Таълим сифатини янада яхшилаш борасида институт профессор-ўқитувчиларининг малака оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг натижаси сифатида докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш ишига эътибор берилиб, шу асосда юқори малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Институт кафедраларида илмий тўгараклар ташкил этилган. Ушбу тўгаракларга 200 нафарга яқин иқтидорли талаба аъзо бўлиб, уларнинг саъй-ҳаракати билан кейинги йилларда 82 номда китоб нашр қилинди.

Институтда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар натижалари мамлакатимизда давлат қурилиши ва бошқаруви, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишга, республика учун етук малакали ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини яратиш ва мустаҳкамлашга, юриспруденция йўналиши бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, рисолалар, илмий мақолалар, қонунларга шарҳлар чоп этилиши ҳамда қонун лойиҳаларини тайёрлашга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтсак, институтимиз бошқа йирик ўқув ва илмий марказлар билан бир қаторда бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратмоқда.

Баҳром ЭШМУРОДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

Huquq va burch

Юксак ҳуқуқий маданият

жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Яккабоғ шаҳрида истиқомат қилувчи Чори Бозоров (исм-шариф ўзгартирилган) жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимай, ўзига ўзи жабр қилди. У қўшни давлатдан «Mersedes – benz 190» русумли автомобилни харид қилиб, мамлакатимизга ҳуқуқий талабларни бузган ҳолда олиб кирган. Ҳолбуки, бундай вазиятда, қонунга кўра, муайян миқдорда бож (солиқ) тўланиши, харид қилинган машина мутасадди давлат идораларида рўйхатдан ўтказилиши керак. Бироқ Ч.Бозоров бу қонуний талабларга риоя қилмагани етмаганидек, таъмирталаб бўлгани боис фойдаланилмаётган бошқа автомобилнинг давлат рақамидан ноқонуний равишда фойдаланиб, «Мерседес»да сайру саёҳат қилиб юраверди.

Унинг машинадаги «саёҳат»и узоққа чўзилмади, албатта. Қонунбузарликдан хабар топган мутасадди идора ходимлари Ч.Бозоровни жиноий жавобгарликка тортишди. Унга қонунда белгиланган тартибда жазо тайинланди.


Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қонунбузарлик, ҳуқуқий талабларга риоя этмаслик асло яхшиликка олиб бормайди. Зотан, ҳуқуқий давлат тамойилларига мувофиқ, ҳар қандай қонунбузарлик учун жазо муқаррардир.

Яшин ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Яккабоғ тумани судининг раиси

ГАЗЕТХОН САВОЛ БЕРАДИ...

Muloqot

— Айтинг-чи, мен солиқ тўловини олдиндан тўласам бўладими?



Д.САЛОМОВ,
Қоракўл тумани

— Ҳа, солиқ тўловини олдиндан тўлашингиз мумкин. Солиқ кодексининг 36-моддасига мувофиқ, солиқ мажбурияти ушбу кодексда белгиланган муддатларда солиқ тўловчи томонидан бажарилиши керак.


Солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини муддатидан илгари бажаришга ҳақли.

Солиқ мажбуриятини бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши билан белгиланади.

Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. Солиқ мажбурияти бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

Агар солиқ мажбуриятини бажариш муддатининг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

— Айтинг-чи, хўжалик-процессуал ишларида процессуал ҳуқуқий ворис ҳам қатнашиши мумкинми?



Н.АЗИЗОВА,
Пешку тумани

— Хўжалик-процессуал кодексининг 39-моддасига мувофиқ, тарафлардан бири низоли ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган тақдирда (қайта ташкил этилиш, талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва бошқа ҳолларда) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириб, бу ҳақда ўз ажрими, ҳал қилув қарори ёки қарорида кўрсатади. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворис учун ҳам шу даражада мажбурийдир.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Giyohvandlik — asr vabosi

Осуда,

«Аср вабоси» номини олган гиёҳвандлик иллати инсоннинг тинч ва осуда ҳаётига рахна солиб, соғлом турмуш тарзини издан чиқариши билан хавфлидир. Қолаверса, гиёҳвандлик сиртмоғига илинганлар инсоний фазилатлардан мосуво бўлиб, тубсиз чоҳга қулаб кетаётганини ўзи ҳам билмай қолади...

Маълумотларга кўра, гиёҳвандликка ружу қиши ўртача йигирма беш йил умр кўради. Бу дард одамни юрак, ўпка ва асаб касалликларига дучор қилиш билан бирга инсоннинг шахс сифатида ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бу иллатга дучор бўлган одам ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила олмайди. Тадқиқотлардан яна шу нарса аён бўладики, гиёҳвандлар 16 ёшдан 35 ёшгача бўлганларни ташкил қилиб, аксарияти моддий жиҳатдан яхши таъминланган оилаларга мансуб экан. Гиёҳвандлар сонининг ошиб бориши наркобизнесни ривожлантиргани баробарида инсоният генофондини ҳам хавф остида қолдиради.

Шу боис мамлакатимизда ҳам гиёҳвандликка қарши кенг қамровли, қатъий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Республикамиз глобал миқёсдаги ана шу муаммога қарши кураш борасида бир қатор ҳужжатларга, жумладан, **«Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида»**ги ягона Конвенцияга, **«Психотроп моддалар тўғрисида»**ги, **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритиш тўғрисида»**ги БМТ Конвенцияларига қўшилган. Булардан ташқари миллий қонунчилигимизда ҳам гиёҳвандлик, наркотик моддаларнинг ноқонуний муомалага киритилишига қарши курашиш, унинг олдини олиш борасида бир қатор меъёрлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, мамлакатимизда давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан гиёҳвандликка қарши турли тадбирлар, дастурлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамай гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилмоқда. Айрим кимсалар учун гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда ўтказиш бойлик орттириш манбаига айлангани ачинарли ҳолатдир.

Балиқчи туманининг Олимбек қишлоғида яшовчи, 4 нафар фарзанднинг отаси Мирзажон Исломов 52 ёшга кирганда йўлдан адашди.

Islohot va samara

Судьяларни танлашнинг адолатли тизими



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

2000 йил 4 майда Президентимизнинг Фармони асосида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тузилди. Бундан кўзланган асосий мақсад — суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш, судьялик лавозимларига етук, билимдон ва ҳалол мутахассисларни тавсия этишда қонунчилик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этишдан иборат эди. Комиссиянинг асосий вазифаси судьяликка тавсия этилган номзодларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш, судьяликка номзодларни танлашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг касбий маҳоратини, малакасини ошириш деб белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 19 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси тузилди ва унинг Низоми қабул қилинди. Комиссия суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган этиб белгиланди.

Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоят ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш ҳамда Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судларнинг судьяларини лавозимларга тақдим этиш вазифаси юклатилди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этишнинг демократик тамойилларини мустаҳкамлаш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлаш, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини ташкил қилишни тубдан ўзгартириш мақсадида 2006 йил 17 мартда давлатимиз раҳбарининг **«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони қабул қилинди.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясининг ташкилий тузилмаси ва штатлар сони белгиланди ва янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланди.

Судьялик лавозимларига тавсия этиш учун номзодлар захирасини шакллантириш ва номзодларни танлаш яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали юристлар — судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари орасидан танлаб олиниб, судларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда.

Номзодлар захираси судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан шакллантирилади. Ўзини судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки бўшаб қолган муайян судьялик лавозимига қўйиш истагини билдирган шахслар тегишли малака ҳайъатига ариза топширадилар.

Судьяликка номзодлар захирасига Ўзбекистон Республикасининг 25 ёшдан кичик бўлмаган олий юридик маълумотли, мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга фуқаролари киритилади. Судьяликка номзодлар захирасига судланган шахслар қабул қилиниши мумкин эмас.

Судьяликка номзодлар захирасига киритиш тўғрисида берилган аризани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди. Бундай ариза рад этилганлиги устидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига шикоят қилиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олишни, ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини текширишни судьялар малака ҳайъати котиби амалга оширади.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари номзодларнинг касбий, маънавий-ахлоқий ва шахсий фазилатлари ўрганилишини ташкил этади ҳамда материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай малака имтиҳонлари ўтказади, мазкур имтиҳонларнинг натижаларига кўра, судьяликка номзодлар захирасига киритиш ёки захирага киритишни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари мажлисларида барча судларнинг судьялари иштирок этиши мумкин. Улар судьялик лавозимига номзодларнинг ҳар бири хусусида ўз фикрини билдиришга, судьялар малака ҳайъатининг қарорига рози бўлмаган тақдирда эса ўз фикрини ёзма равишда Олий малака комиссиясига юборишга ҳақли.

Судьяликка номзодлар захирасига киритилган шахсларга тааллуқли маълумотлар судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига юборилади.

Судьяликка номзодлар захирасига киритилиши рад этилган шахс бир йилдан сўнг такрор мурожаат қилиши мумкин.

Судьяларнинг малака ҳайъатлари судьяликка номзодлар захирасида турган ҳамда судьялик лавозимига биринчи марта кўрсатилаётган шахсларни Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқитишни ташкил этади. Махсус курсларни тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат берилган кундан эътиборан уч йил мобайнида амал қилади.

Судьялик лавозими бўшаб қолган тақдирда, судьяликка номзодлар захирасида турган шахслар бу ҳақда судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан хабардор қилинади. Бўшаб қолган судьялик лавозимига ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар малака имтиҳони топширадилар. Мазкур имтиҳон натижаларига кўра, судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари уларнинг судьялик лавозимига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Комиссия фаолияти аъзоларининг коллегиаллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, ваколатига кирувчи масалаларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ҳал этилишини таъминлаш тамойилларига асосланади. Комиссия қонунга асосан кадрларни судьялик лавозимларига тайинлашга тавсиянома тайёрловчи охирги босқич ҳисобланади. Комиссиянинг қарори хулоса тарзида расмийлаштирилади.

Номзодларнинг Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари лавозимларига муносиблиги тўғрисидаги комиссиянинг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Президентига кўриб чиқиш учун киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларини сайлаш ёки тайинлаш учун комиссия хулосасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикасининг Жўқорғи Кенгесига тақдимнома киритади.

Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларининг судьялари лавозимига номзодлар хусусида комиссия ўз хулосасига асосланиб, уларни тайинлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади.

Президентнинг судьялик лавозимига тайинлаш тўғрисидаги Фармойиши Комиссия судьялик лавозимига лойиқ деб топган шахснинг судья мақомини эгаллашига асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, судьяларни танлашнинг бу тизими ҳар томонлама адолатли бўлиб, судларни етук кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Машкура САФАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси раиси

Saboq

Мулкий суғурта

аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қилади



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суғурталанувчининг энг асосий мажбурияти ўз вақтида суғурта бадалларини тўлаб туришдан иборат. У суғурта ҳодисаси рўй берганида бу ҳақда суғурталовчига хабар бериши шарт. Бундай вазиятда суғурталовчи зиммасида суғурталанувчи ёки учинчи шахс (наф кўрувчи)га суғурта ҳақи тўлаш мажбурияти вужудга келади.

Суғурта ҳодисасининг рўй берганини расмийлаштириш мажбурияти суғурталовчи зиммасига юклатилган. Бунда суғурта ҳужжати ёки авария сертификати тузилади. Кўп ҳолларда суғурта ҳодисаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида, тиббий муассасаларда қайд этилади.

Суғурта товони суғурталанувчига (ворисларига) ёки наф кўрувчига тўланади. Суғурта товони ҳажми суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарар миқдорига мувофиқ белгиланади.

Суғурта қилдирувчи агар қонун ёки шартномада белгиланган бўлса, суғурта ҳодисаси рўй берганидан сўнг суғурталанган мол-мулкдан воз кечиши ёки суғурта товон пулининг тўлиқ тўланишини талаб қилиб (абандон), суғурталовчига мурожаат этиши мумкин.

Даъвогар суғурта компанияси судга мурожаат қилган даъво аризасида фуқаро У.Р. ўзига тегишли автомашинани бошқариб бораётиб, йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилганлиги натижасида бир фуқаронинг ўлимига ва бошқа фуқаронинг автомашинасига шикаст етишига сабабчи бўлганлиги, суғурта компанияси томонидан автомашина суғурталангани боис автомашина эгаси Э. П.га суғурта товони 1.575.692 сўм тўлаб берилганлиги, жавобгар У.Р. суғурта товонини ихтиёрий тўлаши тўғрисида юборилган огоҳлантиришларга қарамасдан, тўламаётгани туфайли жавобгардан тўланган суғурта товонини регресс тартибда ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, У.Р.ни айбдор деб топди. Жавобгар ўз ихтиёри билан суғурта компаниясига етказилган зарарни қоплаб беришдан бош тортаётганини инобатга олиб, суд даъвогар суғурта компаниясининг регресс тартибида зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантириш ва суғурта компанияси фойдасига тўланган суғурта товонини жавобгар шахсдан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, суғурта фаолияти бозор иқтисодиёти молиявий инфратузилмасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари

Fuqarolik qonunchiligi

Тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи

у қандай тартибда вужудга келади?

Иқтисодиётимизнинг негизини ташкил қилувчи турли мулк шакллари қонунан тенг ҳуқуққа эга бўлиш билан бирга ҳуқуқий жиҳатдан ҳам баровар муҳофаза этилади. Ана шундай ҳуқуқлардан бири фуқароларнинг тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқидир.

Маълумки, ҳар бир оилада фарзанд вояга етгач, касб-ҳунар ўргатиб, уйлантириб қўйилади. Шундан сўнг янги оила алоҳида рўзғор юритиш учун уй-жой қуриш ташвишига тушади. Бундай чоғда фуқаронинг тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи қай тартибда вужудга келади? Бу савол, табиийки, кўпчиликни қизиқтиради.

Ер кодексининг 23-моддаси 2-бандида **«...ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»** дея қайд этилган. Шунга кўра, фуқаро истиқомат қиладиган туман (шаҳар) ҳокими томонидан унга уй-жой қуришга ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарилади.

Фуқаро тураржой биносини тиклаб бўлганидан сўнг туман (шаҳар) ҳокими номига уй-жойга эгалик ҳуқуқини беришни сўраб ариза билан мурожаат қилади. Ҳокимлик фуқаро мурожаатини кўриб чиқиб, туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасига фуқарога тегишли уй-жойни ердан фойдаланган тўғрисидаги далолатнома ва давлат рўйхатидан ўтгани ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштиришни юклаб, тураржойга эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Шу тариқа фуқаронинг тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келади.

Турмушда баъзан тушунмовчилик, гоҳида эътиборсизлик ёки олди-сотди шартномасини қонуний расмийлаштирмаслик оқибатида турли хил муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бундай чоғда тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келтиришда ишни суд тартибида ҳал этиш зарурияти туғилади.

Масалан, Каттақўрғон шаҳар Ингичка қўрғончасида яшовчи О.Улуғмуродова жавобгар У.Абдулкаримовага нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Mulohaza

Болалар манфаатлари муҳофазаси

доимий тарзда эътибор талаб қилади

Маълумки, маънавий жиҳатдан ҳам, жисмонан ҳам баркамол ёшлар жамият тараққиётида ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшлар камолотига давлат даражасида эътибор қаратилиб, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жойларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонунга ҳурмат руҳини шакллантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Булоқбоши туманида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора ходимлари қишлоқ фуқаролар йиғинларида, маҳалла, мактаб ва коллежларда вояга етмаган ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унга қарши курашиш каби мавзуларда давра суҳбатлари, тарғибот-ташвиқот тадбирлари уюштирмоқдалар.

Аммо бунга қарамай ҳамон вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари кузатилаётгани ачинарлидир. Маълумотларга қараганда, жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани судига 2009 йилда 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, унинг учтаси бўйича айбдорларга озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган бўлса, иккита жиноят иши Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига асосан ярашув институти билан ҳаракатдан тугатилган.

Вояга етмаганлар орасида содир этилган жиноятларда ён-атрофдагиларнинг, яқинларнинг, қолаверса, маҳалла-кўй, таълим-тарбия даргоҳида фаолият юритаётган ходимларнинг ҳам айби йўқ эмас. Негаки, эътиборсиз қолган бола ўзининг билганича, тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида кўп мулоҳаза қилмай, иш тутади. Масалан, 1991 йилда туғилган Х.Абдураззоқовнинг тарбиясига онасининг вафотидан сўнг ҳеч ким жиддий эътибор бермади. Оқибатда назоратсиз қолган бола жиноят кўчасига кириб кетди.

Хайрулла бегона эмас, ўзининг тоғаси А.Мирзаевнинг ҳовлисига ўғирликка киради-да, отардаги олти бош қўйни олиб чиқиб кетди. Эртаси куни эса қўйларни бозорда сотаётган чоғида милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Судда Х.Абдураззоқовнинг жиноий иши мазмунан кўрилиб, унга тегишли тартибда жазо тайинланди.

Жиноят кодексининг 85-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинламаслик белгилаб қўйилган. Бундан ташқари амалдаги қонунларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари суд муҳокамасига қўйилганда, айбланувчи вояга етган-етмаганлигидан қатъий назар, ишда адвокат иштирок этиши шартлиги қайд этилган. Ушбу тартиб-таомиллар ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қонунчилигимизда қатъий мезонлар мавжудлигини кўрсатади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jinoyat va jazo

Жамиятда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш суд-ҳуқуқ идораларининг бирламчи вазифаси саналади. Ишончга путур етказиш, бировнинг манфаатларига дахл қилиш каби қонунбузилиши кўринишида содир этиладиган фирибгарлик жиноятига қарши курашиш ҳам айни шу вазифалардан бири ҳисобланади.

Фириб тузоғи

Суд очерки

Бу борада Олий суд Пленумининг **«Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарори муҳим ҳуқуқий ҳужжат саналади. Судлар томонидан фирибгарликка оид ишлар ҳам қонунга биноан батафсил кўриб чиқилиб, ҳал қилинмоқда. Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, жиноятчиликка қарши кураш, шу жумладан, фирибгарлик жиноятининг олдини олиш, бартараф этишга қаратилган кенг кўламли ишлар ўзининг ижобий самараси бераётир. 2009 йилнинг 1-чорагида жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судида 5 та шу турдаги жиноят иши кўрилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 3 та жиноят иши кўриб чиқилди.

Ўттиз ёшни қоралаган Ғофир Рустамов (исм-шарифлар ўзгартирилди) бир неча марта жавобгарликка тортилган эса-да, ҳамон бундан тўғри хулоса чиқармаган экан. Йўқса, у белгиланган жазо муддатини ҳали тўлиқ ўтаб бўлмай туриб, яна фирибгарлик жиноятини содир этмасди. Бугал Ғофир бир эмас, бир неча кишини алдаб, тузоғига илинтирди.

Б.Баҳриддиновнинг машина олиш учун пул тўплаб юрганини орқаворатдан эшитган Ғофир дарров ўзича режа тузди.

— Ака, навбат кутиб ўтирсангиз, чўзилиб кетади. Яхшиси, тезлаштириш керак. Тўғри, сал харажати бўлади-ю... лекин кутиб сарғаймайсиз-да.

(Давоми тўртинчи бетда)

осойишта ҳаёт

унинг қадрига етиб, ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиз



Мирзажон даладан ёввойи наша баргларини териб, қуритди-да, сотиш учун ҳозирлаб қўйди. Аммо у гиёҳвандлик модда-ларни сотаётган пайтда тегишли идора ходимлари томонидан ушланди.

Ҳалоллик билан кун кечиришга бўйни ёр бермаган Юсуфжон Сойипов 36 ёшигача бир марта суд курсисида ўтириб улгурди. Жазони тўлиқ ўтаб бўлгандан сўнг ҳам фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига наша чекишни ўрганди. У уч нафар фарзандининг отаси эканлиги, қарамоғида ногирон синглиси ва кекса онаси борлигидан ҳам андиша қилмади. Охир-оқибатда Ю.Соипов гиёҳвандлик моддасини сотаётган чоғда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд судланувчилар М.Исломов ва Ю.Соиповга қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимизни баён этишни лозим топдик. Юқоридаги жиноятга қўл урган кимсалар тақдирига маҳалла-кўй, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари эътиборсиз қарамаганда, эҳтимол, бундай нохуш ҳолат юз бермасди. Чунки жамоатчилик эътибори ва назоратини кучайтириш жиноятчиликнинг олдини олиш, унга барҳам беришнинг муҳим шартларидандир. Негаки, маҳаллада нима бўлаётгани, ким қандай юмуш билан бандлиги, ҳаракатларидаги ножўяликдан, аввало, маҳалладошлар хабар топади. Бинобарин, фарзандларимиз тарбиясига масъул бўлиш, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар соғломлигини таъминлаш шу юрт фарзанди, фуқароси сифатида барчамизнинг ҳам конституциявий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Улуғбек КАРИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Балиқчи тумани судининг раиси
Маҳпурахон ОРТИҚОВА,
журналист

Fuqarolik qonunchiligi

Тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи

у қандай тартибда вужудга келади?

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Маълум бўлишича, даъвогар 1-уй, 14-хонадонни жавобгардан оғзаки битимга биноан сотиб олган. Ана шу уй-жойда О.Улуғмуродова 1993 йилдан бери рўйхатдан ўтиб, яшаб келади. Жавобгар У.Абдулкаримова эса 1993 йили уйни сотгач, уй рўйхатидан чиқиб, Украина давлатига кўчиб кетган. Томонлар ўртасида олди-сотди битими нотариал тартибда расмийлаштирилмай қолган. Шундан буён жавобгардан ҳеч қандай хат-хабар йўқ.



Аниқланган ҳолатга кўра, 1993 йил 11 октябрда Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоллари томонидан далолатнома тузилган. Далолатномада хонадон У.Абдулкаримова томонидан фуқаро О.Улуғмуродовага 500 минг сўмга сотилганлиги баён қилинган. Фуқаролик ишида Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонаси томонидан берилган маълумотнома ҳам мавжуд. Унда 14-хонадон У.Абдулкаримовага тегишли эканлиги кўрсатилган.

Суд ушбу фуқаролик ишини Фуқаролик кодексининг 112-моддаси 2-қисмига асосланиб ҳал этишни зарур деб ҳисоблади. Қонуннинг ушбу бандига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш лозим бўлган битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Суд иш ҳолати ва қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогар О.Улуғмуродованинг жавобгар У.Абдулкаримовага нисбатан оғзаки олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириб, ҳал қилув қарори чиқарди. Суд фуқаронинг қонуний манфаатини кўзлаб унинг тураржойга нисбатан мулк ҳуқуқи мавжудлигини белгилаб берди.

Қисқаси, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан иборат.

Голибжон НУРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси

2010-yil — Barkamol avlod yili

Мазмунли ҳаёт, бахт ва қувонч асоси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— «Репродуктив саломатлик» тушунчасининг маъноси жуда кенгдир, — **дейди Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Қашқадарё вилояти филиали директори Шоира Набиева.** — Репродуктив саломатлик хавфсиз ҳомиладорлик, бехатар туғруқ, малакали тиббий ёрдам, туғруқлар оралиғини 3-4 йил сақлаш, ташхис қўйиш ва даволаш, кўкрак сути билан боқиш тарғиботи, оналик ва болалик муҳофазаси, ўсмирлар репродуктив саломатлиги каби асосий тамойилларни ўз ичига олади.

Айни пайтда вилоятдаги барча қишлоқ врачлик пунктларида малакали мутахассислар иштирокида аёллар ва болалар профилактик-тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Шунингдек, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, шошилинч акушерлик ёрдами, бехатар оналик, она сути билан боқишни кенгайтириш, болаларни иммунизациялаш, ўткир респиратор инфекцияларнинг олдини олишга қаратилган дастурлар ижроси ҳам ўз самарасини бермоқда.

Шундай тиббий муассасалардан бири — Ғузор туманидаги «Қоркўмди» қишлоқ врачлик пункти тўрт ярим мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ердаги ҳомиладор аёллар ва болалар хоналари, физиотерапия, стоматология ҳамда лаборатория кабинетлари зарур ускуналар билан жиҳозланган. Туман ва вилоят тиббий муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида соғлом турмуш қоидалари, туғруқлар оралиғидаги муддатни сақлашнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.



— Кунига 30-40 нафар туғиш ёшидаги аёлни тиббий кўрикдан ўтказяпмиз, — **дейди мазкур врачлик пункти мудираси Феруза Мустанова.** — 14 ёшгача бўлган болаларни эмлаш тадбирлари ҳам давом эттирилмоқда. Кўрик давомида айрим патологик касалликлари аниқланган ҳомиладор аёлларга даволаниш учун йўлланма берилаётир.

Врачлик пунктимизда рўйхатга олинган 1 минг 301 нафар туғиш ёшидаги аёл ҳамда ёшлар иштирокида ўтказилаётган учрашувларда репродуктив саломатликнинг моҳияти, қариндошлар орасидаги никоҳнинг, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир хонадонга тиббий патронаж хизмати ҳамширалари бириктирилган.

Ғузор туманидаги 98 қишлоқда истиқомат қиладиган 171 минг аҳолига замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш, тоғли ва чекка ҳудудларда бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида «Саломатлик–2» лойиҳаси асосида бирламчи тиббий-санитария муассасалари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

— Муассасамиз 2008 йили қурилиб, ишга туширилган, — **дейди Ғузор тумани Совбоғ қишлоғидаги врачлик пункти мудираси Раъно Пардаева.** — Замонавий бинода тиббиётчилар ва мижозлар учун барча қулайликлар мавжуд. Тўрт мингдан зиёд аҳолига педиатр, акушер-гинеколог ва стоматолог врачларимиз ҳамда 16 нафар ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда.

Туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқларда аҳолига доимий тиббий хизмат кўрсатувчи муассаса, табиийки, қишлоқ врачлик пунктлари ҳисобланади. Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси маълумотларига кўра, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида ушбу муассасаларни узлуксиз электр таъминоти ва телефон алоқаси билан таъминлаш ишлари вилоят ҳокимлигининг 2009-2010 йилларга мўлжалланган манзилли дастурига киритилган бўлиб, бу йўналишдаги ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу кунларда Ғузор туманидаги қишлоқ врачлик пунктларида аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида аёллар ва ёш оилалар тиббий кўрикдан ўтказилаётир. Болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш ишлари алоҳида назоратга олинган.

М.АҲАДОВ

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Аввал бошдан ўзини тута билган одам виждон азобидан фориғдир.

* * *

Иштиёқ билан қилган ишимиз — дардимизни даволайди.

* * *

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

* * *

Бахт кўп меҳнат қилган кишига насиб бўлади.

* * *

Сизни улуғликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг.

* * *

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни ҳам топамиз.

* * *

Киши дунёда бой бўлиш учун эмас, балки бахтли бўлиш учун яшайди.

* * *

Зўр қувончга фақат катта меҳнат билан эришиш мумкин.

* * *

Бепарволик минг турли ситамларнинг сабабчисидир.

* * *

Шошиб қилинган ишнинг умри қисқа.

* * *

Бахт ҳавода эсмайди, меҳнатдан келади.

Tafakkur gulshani

Маҳмуд САТТОР

Нега шундай деймиз?

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.

XIX аср олимлари ёзиб олишган ушбу мақол аслида «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалур, уста кўрмаган шогирд ундин-бундин қармалур» шаклида бўлган. Яъни, уста кўрган шогирд ишини маҳорат билан, қойилмақом қилиб бажаради, уста кўрмагани эса ундан-бундан эшитганига суяниб, ҳар соҳадан бир шингил қабилида амал-тақал адо этган бўлади, дейилмоқчи. Муқобили: «Отбоз кўрган от танир, устоз кўрган хат танир».

Сув бир лойқаланмай, тинимас.

Бу мақол асосан бир-бирига яқин одамларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли бўлиб, ёш оила, эр-хотин, янги дўстлар ўртасида аввалига англашилмовчилик, зиддият чиқиши, аммо вақт ўтиши билан улар хатоларини англашса, бир-бирларини кечиришса, ораларида дўстона муносабатлар қарор топиши таъкидланяпти. Янги турмуш қурган келин-куёв ҳам дастлаб бир-бирининг феъл-атворига, келин янги тушган хонадоннинг шарт-шароитига кўника олмайди. Натижада ҳар хил гап-сўзлар, аразлашлар бўлиши мумкин. Аммо бундай келишмовчиликларга муроса-ю мадора, сабр-бардош, кенгфеъллик билан барҳам бериш керак. Шунда кўп ўтмай ҳаммаси изига тушиб кетади, деган маънода ишлатилади.

Mulohaza

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шу ўринда яна бир мисолга эътиборингизни қаратсак, М.Ғуломов Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида И.Саидов ва Ф.Кўчқоровнинг йўлини тўсиб, улардан пул талаб қилади. Дўқ-пўписа иш бермагач, у И.Саидовнинг соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик

Болалар манфаатлари муҳофазаси

доимий тарзда эътибор талаб қилади



ишлатиб, унинг 5000 сўми ва 180 минг сўмлик уяли телефонини тортиб олади. Аммо М.Ғуломов фақат шу қилмиши билан чекланмайди-да, С.Фахриддинов ва Х.Умаровни ҳам ўзига шерикликка чорлайди. Учовлон «Чўлпон» кўчасида М.Нажмиддиновга соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, унинг 5000 сўм пулини ва 45.000 минг сўмлик уяли телефонини олиб қўядилар.

Жабрланганлар ариза билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишгач, М.Ғуломов, С.Фахриддинов ва Х.Умаров қўлга олинди. Суд жиноят ишини батафсил ўрганиб чиқди ва қонунга асосланиб, судланувчиларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. Шунингдек, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни уларнинг ота-онасидан ундириш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Кези келганда бир мулоҳазани баён этадиган бўлсак, вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этилишини бартараф этишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора ходимлари, балки туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари, қўни-қўшнилар ва албатта, ота-оналарнинг доимий назорати муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари маҳалла фаоллари томонидан муҳити нотинч оилаларда турли тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам болалар тарбиясига ижобий таъсир қилади.

Дониёрбек ЖЎРАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Jinoyat va jazo



Фириб тузоғи

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Кутилмаган бу таклиф Бахтиёрга ҳам маъқул келди. Ҳолбуки, машина учун навбатда турганлар ҳам ўзидай орзуманд кишилар эди. Бундан андиша қилиш ўрнига Бахтиёр «қўшимча ҳақ» бериб бўлса-да, ўзининг ишини тезда битиришни ўйлади.

Қисқаси, ишонч қозонган Ғ.Рустамов қоп-қоп ваъдаларни бериб, Бахтиёрнинг 400 АҚШ долларини қўлга киритди. Бахтиёр эса тезда «машина олиш» навбати келишини кутиб кун санай бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Бахтиёр таниши Элдор Ҳасановни учратиб қолди. Гапдан гап чиқиб, Бахтиёр ўзининг машина олаётганини, Ғофир ёрдам бераётганини айтиб қолди. Элдор ҳам машина олиш ниятида эди, буни эшитиб, қувониб кетди. Ғофирнинг нимага ишониб ваъда бераётгани, қандай қилиб «ишни тезлаштириб» бериши тўғрисида мулоҳаза қилишни ортиқча иш деб билган бу одамлар қийналиб топган пулларини осонгина фирибгарга тутқазиб юборишгани кишини ажаблантиради. Ахир, «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма», деб бежиз айтишмаган. Элдор эса Ғ.Рустамовнинг ҳаёлий ваъдаларига қаттиқ ишониб, унга 1.450.000 сўм пулни қуртдай санаб берди.

Бир ёқда Бахтиёр билан Элдор ишлари «осонлашганидан» хурсанд бўлса, иккинчи ёқда Ғофир содда, ишонувчан одамларни чув туширганидан шод эди. Ўзининг уддабуронлигидан қаноат ҳосил қилган Ғофир таниши Фахриддиннинг автомобиль заводига ишга кирмоқчи бўлиб юрганини эшитиб, уни ҳам аврашга киришди. Енгидан кириб, ёқасидан чиққан Ғофир унинг 1200 АҚШ долларини қўлга киритгач, «тезда ишларингизни ҳал қиламиз», деган кўнгилни қувонтирувчи гапларни аямай Фахриддин билан хайр-маъзур қилди.

Унинг шу қабилдаги ёлғонларига ишонган А.Умаров 270.000 сўм, О.Тўлқинов 2.700.000 сўмни бериб юбордилар. Фирибгарга ишониб, чув тушганлар фақат шуларгина эмасди. Ғофирнинг алдаб кетганидан хуноб бўлиб юрганлар орасида М.Қодирова, А.Қодиров, Ш.Асқаров ҳам бор.

Ишларининг «битиши» чўзилиб кетганидан тоқати тоқ бўлган фуқаролар охир-оқибат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат қилгач, ҳақиқат ойдинлашди. Ғ.Рустамов қўлга олиниб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани суди Ғ.Рустамовнинг қилмишларига ҳуқуқий баҳо бериб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Шу тариқа бировнинг ҳақидан қўрқмаган, пешона тери билан кун кечириш ўрнига ноқонуний ишларга қўл урган Ғ.Рустамовнинг барча қилмишларига чек қўйилди. Унинг найрангларига учиб, алданган кишилар эса бир умрлик сабоқ олдилар.

Равшан СУЛТОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Жалақудуқ тумани судининг судьяси

Maslahat

Фуқаровий даъво у қачон қўзғатилади?

Жиноят-процессуал кодексининг 276-моддасига асосан, жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Жиноят содир этиш ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда унинг меросхўрлари фуқаровий даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам қўзғатилиши мумкин. Оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб қўйилади.

Бундан ташқари жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун давлат божи ундирилмайди.

Жиноят–процессида фуқаровий даъво қўзғатмаган шахс, шунингдек, даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс даъвони фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўзғатишга ҳақлидир.

Шухрат ДЎСАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

G'aroyib olam

Илк ёзувдан — қалам ҳақигача

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

● Ҳиндистон ва Цейлонда «китоб» сифатида пальма баргларидан фойдаланилган.

● Миср фиръавни Птолемей II (мил.ав. 308-246) дунёга машҳур Александрия кутубхонасини қурдирган. Ушбу кутубхонада 700.000 га яқин папирус ўрамлари сақланиб, ҳар бирининг узунлиги 30 метр атрофида бўлган.

● Энг биринчи босма китоблар Хитойда яратилган. VII асрда хитойликлар китоб босиш учун ёғоч муҳрдан фойдаланишган. 1040-1048 йилларда эса темир қолипга ёғоч ҳарфлар ўрната бошлашди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур ихтиро Пи Шен (990-1051)га тегишли экан.

● XI-XII асрларда эса пергамент ўрнини Хитойда ихтиро қилинган қоғоз эгаллади. Шу даврдан эътиборан кодексларнинг устини қалин ва чиройли муқова билан қоплай бошлашди.

● 1455 йилда олмониялик Иоганн Гутенберг (1400-1468) Майнц шаҳрида европаликлар орасида биринчи бўлиб китоб босиш ускунасини ихтиро қилди. Бироқ 1460 йилда Гутенберг ўз ҳамкори Иоганн Фустдан қарзини уза олмаслиги оқибатида ускунани унга топширишга мажбур бўлган.

● 1812 йилда олмониялик Ф.Кониг буғ ёрдамида ишлайдиган китоб босиш ускунасини кашф қилган.

● Энг биринчи англиялик ноширУильям Кэкстон (1422-1491) эди. Олмонияда ўқиб юрган кезлари у инглиз тилидаги биринчи босма китоб «Троя тарихи» (1477)ни нашр этган. Бутун ҳаёти давомида у 100 дан ортиқ китоб нашр этган бўлиб, улар орасида французча-инглизча луғат ҳам бор.

● Халқаро муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонун илк маротаба 1828 йили Данияда қабул қилинган.

● 1960 йилларда офсет босма усули кашф қилиниши билан ноширлик ишида катта силжиш юз берди.

● 1994 йилда дастлабки компакт-диск кўринишидаги китоблар пайдо бўлди. 1995 йилга келиб эса кўпгина қомуслар шундай кўринишда чиқа бошлади.

Интернет материаллари асосида Нурпўлат НУРҚУЛОВ тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ, Олимжон ИСМАИЛОВ, Шерали РАҲМОНОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Муҳаммад АЛИ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Дилбар СУЮНОВА, Масардин ҲАСАНОВ, Юлчибой ТУРСУНБОЕВ, Шоюнус ҒОЗИЕВ, Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-318. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 6506. 1 3 4 5 Топширилди: 20⁰⁰